

2- гурух	3-диаграмма	Утган замон феълнинг синтетик ва аналитик шакллари тахлил қилинг.
	1-диаграмма	Феълнинг ҳозирги замон ясовчи шакллари тавсф этинг.
	2-диаграмма	Феълнинг ҳозирги замон шакллари учала замон маъносида қўлланишини характерланг.
	3-диаграмма	Феълнинг ҳозирги-келаси замон ясовчи шакллари изохланг.
3- гурух	1-диаграмма	Феълнинг келаси замон шакллари маъноларини характерланг.
	2-диаграмма	Феъл замонларининг услубий-функционал хусусиятларини характерлаб беринг.
	3-диаграмма	Феъл замон шакллари даражаланишини тавсифлаб беринг.
4- гурух	1-диаграмма	Фелнинг замон шакллари модал маъно муносабатларини изохланг.
	2-диаграмма	Феълнинг вазифадош шакллари замон ясовчи шакллари билан ўзаро муносабатини характерланг.
	3-диаграмма	Феълнинг замон, нисбат ва майл шакллари ўзаро муносабатини изохланг ва диаграммага жойланг, жадвалини тузинг.

«Инерт» стратегияси

Стратегия ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича талабаларнинг муайян тушунчаларга эга эканликлари аниқлаш ва уларда матнга нисбатан тахлилий ёндашув кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Стратегияни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- кичик гуруҳлар шакллантирилиб, улар номланади;
- ҳар бир гуруҳдан ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади;
- гуруҳлар навбатма-навбат мулоҳазаларни баён этадилар;
- баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади;
- сўнгги ўқитувчи янги мавзу моҳиятини ёритувчи матнни гуруҳларга тарқатади;
- гуруҳ матн билан танишиб чиқиб, матн ва ўзлари билдирган матн фикрларининг бир-бирига қай даражада мувофиқ келганлигини аниқлайдилар (ўхшашилик ва фарқлар махсус белгилар ёрдамида қайд этилади).
- гуруҳ аъзолари шахсий қараишларини ифода этадилар ва махсус белгилар соғини умумлаштирилади;
- гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар белгиланади;
- лидерлар гуруҳ жамоасини гуруҳ натижалари билан таништирилади. таништириладилар билан tanishtiradilar.

Хуллас, педагогик технологияларнинг шакллари турличадир. Бироқ, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилади. Яъни, улар талабаларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, эгалланган назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, ижтимоий фаолликни шакллантириш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кенг дунёқараш эгаси бўлган комил шахсни камол топтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2011.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор -маънавиятга, келажакка эътибор. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Azizxojayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – T.: 2003, 2006.
4. Eshmuhammedov R. Tálimda innovatsion texnologiyalar. –Тошкент: 1996.
5. Rahmatullayev Sh. "Hozirgi adabiy ózbek tili" - Тошкент: "Universiter", 2006.
6. <http://www.gov.uz/> Nizomiy nomidagi TDPU sayti.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада она тилидан «Феъл замонлари категорияси» модулини ўқитиш жараёнида феъл замон шакллари лексик-семантик, грамматик ва услубий-функционал хусусиятлари ҳамда унинг-феълнинг нисбат, майл шакллари билан ўзаро муносабатлари ҳақида талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини такомиллаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш усуллари баён этилди.

РЕЗЮМЕ

В работе излагаются мнения, обсуждения и предложения о способах применения инновационных технологий в совершенствовании знаний, умений и навыков студентов (учеников) о сторонах их взаимосвязи и различий по лексическим, семантическим, грамматическим и стилистическим, функциональным особенностям в узбекском языке.

SUMMARY

The article deals with the opinions, discussions and suggestions about the ways of using innovative technologies to improve the knowledge, habits and skills of students about the interaction and differences in the lexical, semantic, grammatical, stylistic and functional peculiarities in the Uzbek language.

ИККИ ТИЛЛИЛИК ШАРОИТИДА ЛЕКСЕМА ҲОСИЛ ҚИЛИШНИНГ БИР УСУЛИ ҲАҚИДА

Ш.Жўраев - катта илмий ходим-изланувчи

Самарканд давлат университети

Таянч сўзлар: Зарафшон водийси, сўз ўзлаштириш, морфологик, морфологик усул, лексема, икки тиллилик, лексик система.

Ключевые слова: Зарафшанская долина, слово-изменения, морфологический метод, лексика, двуязычие, лексическая система.

Key words: Zarafshan valley, word-changing, morphological method, lexemes, bilingualism, lexicological system.

Маълумки, мамлакатимизда турли миллатларнинг ўзаро дўстона муносабатда бўлиб яшаётганликлари давлатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи муҳим омилдир. Бу эса диёримизда маданият, илм-фан таракқиёти, тиллараро муносабатларнинг янада ривожланишига замин яратмоқда. Қадимдан бир манзилда яшаб келаётган ўзбек ва тожик халқлари бугунги кунгача деярли бир хил урф-одат соҳиблари бўлиб келишмоқдалар.

Ўзбек ва тожик халқлари узоқ асарлар давомида ёнма-ён яшаганликлари учун улар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг илдизлари ҳам қадимийдир. Уларнинг тарихи, тақдири, босиб ўтган йўли, турмуш тарзи, урф-одатлари диний эътиқоднинг монандлиги ҳаёт саҳифаларида акс этмоқда. Буларнинг барчаси икки халқ ўртасида асарлар давомида адабий алоқа ва таъсирнинг шаклланиши ва омехталаниши учун замин ҳозирлади. Бу борада тилшунос олимлардан, А.К.Боровков, Ҳ.Ғуломов, К.Юсупов, Д.Ишондаев, Н.Шаропов,

В.С.Расторгуева, М.Зокировлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Жумладан, Ҳ.Ғуломов таъкидлаганидек, “Ўзбек ва тожик тилларининг алоқаси ўзининг қадимий чуқур тарихига эга” [1, 3].

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги адабий алоқалар қадимдан ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу ҳусусда М.Зокиров шундай ёзади: “...бир халқнинг ўзида икки ва ундан ортиқ турли миллий тилларнинг мавжуд бўлишида намоён бўлади” [2:8-9]. Бунда алоқалар ҳар икки халқ тили ривожига самарали таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Шу боисдан ҳам халқ шеваларида икки тилда аралаш ҳолда сўзлашув нутқининг вужудга келганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатни лексема ҳосил қилиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин. Тилшуносликда лексема ҳосил қилиш йўллари ҳақида, А.Н.Кононов, А.Ҳожиёв, Ж.Мухторов, Э.Бегматов, Р.Дониёров, А.Ғ.Ғуломов, М.Абдиев, Ш.Мирзакулов каби таникли тилшунос олимлар тадқиқот ишлари олиб

боришган. Икки тиллиликка хос лексема ҳосил қилишга доир илмий кузатиш ва тадқиқотлар жуда кам.

Зарафшон водийсининг аҳолиси кўп қисми икки тилни яхши билганлиги боис, икки тилда ҳам бемалол гаплаша оладилар. Шу боисдан ҳам икки тил шеваларида кўшимчалар ёрдамида, лексема ҳосил қилиш ҳолатлари фаоллиги билан ажралиб туради.

Бу ҳақда акад. А.Ҳожиёв шундай деб ёзади: “Тожикча кўшма сўзлар таркибида” ўзбек тилига кириб келган ва “шу тилнинг ўзида сўз ясовчи воситалар-сўз ясовчи кўшимчаларга айланган” [3:80].

Тожик шеваларида ўзбекча аффикслар ёрдамида сўз ясалади, ўзбек тилида эса форс-тожикча кўшимчалар қўлланади. Шу хусусда, профессор М.Абдиев “Касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясалиш асослари” номли монографиясида шундай ёзади: “...дастлаб **-чи**, **-дош**, **-лик**, **-и**, сингари асли ўзбекча, сўнгра **-кар**, **(-гар, -кор)**, **-каш**, **-дор**, **-бон** каби асли форс-тожикча шахс номларини ясовчи суффикслар ҳам сўз ясада фаол иштирок этади [4:11].

Зарафшон водийси ўзбек ва тожик тиллари халқларининг оғзаки нутқида икки тилда аралаш ҳолатда лексема ҳосил қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Худуд икки тил лексикаси бўйича олиб борган кузатишлар натижасида ўзлашмаларнинг кўпроқ кўшимчалар ёрдами билан ҳосил бўлишини кўрсатилади: **-чи**, **-дош**, **-ли**, **-лик** кўшимчалари бу тилда сўз ясалишида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар иккала тилда **-чи** кўшимчаси шахс оти ясовчи кўшимча деб юритилади. Бу борада профессор М.Абдиев шундай ёзади: “**-чи** суффикси билан ясалган шахс номларининг талай бир қисмини ўзаги феълдан иборат бўлган сўзлар (кўпгина ҳаракат номлари) ташкил этади. Масалан: **темирчи**, **кўчирмачи**, **босмачи**, **кўчманчи**, **босқинчи** ва бошқалар” [4:47]. Лекин тожик тилида **и** (**й**) унлисини чўзиб талаффуз қилиш натижасида **-чи** кўшимчаси имловий ўзгариши билан **-чй** шаклида ишлатилади. Тожик тилида **-чи** (**-чй**) кўшимчасининг синонимик қаторлари **-гар**, **-манд**, **-дон** ва **-кор** кўшимчалари ҳисобланади. Мазкур кўшимчалар ўзбек адабий тилида **-чи** кўшимчаси билан синонимик муносабатга кириша олмайди. Аммо Зарафшон водийсида истиқомат қилувчи ўзбек ва тожик тилларида сўзлашувчи аҳоли нутқида ҳам сўз ясовчилар сифатида маънодош қўлланади: **воҳимачи-воҳимагар**, **хиёнатчи-хиёнатгар**, **сиёсатчи-сиёсатманд** кабилар.

Форс-тожикча **-кор** кўшимчаси ёрдамида ясалган сўзлар икки тилда бир хил ишлатилишини кўришимиз мумкин. Масалан **фидокор**, **тадбиркор**, **шиддаткор**, **шифокор**, **гуноҳкор**, **ташаббускор**, **ҳаваскор** ва б. Ҳатто, икки тилнинг изоҳли луғатларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, **ҳаваскор** сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бирор нарсага қизиқадиган, уни яхши кўрадиган маънолари зикр этилган [5:462]. “Фарҳанги забони тожик”да эса **кор** сўзи, **иш** ва **иш** билан боғлиқ жараёнларни ҳосил қилиши шундай кўрсатилган: **кор** ۱. амалиёти табдил ёфгани як шакли энергия ба шакли дигар, амал. (Энергияни бошқа шаклга жорий этиш амалиёти). 2. он чи ки касе ба он машғул аст, шуғл, пеша; кори дастӣ (Кишининг бирор нима билан шуғулланиши, қўл билан ишлаши), а) амале, ки ба воситаи даст ва умуман бо истифодаи қувваи жисмонӣ ба жо оварда мешавад; (Қўл ёки жисмоний куч орқали амалга ошириладиган жараён), б) маҳсуле, ки аз дастӣ косибу пешаварон мебарояд; муқоб. кори корхонагӣ (Косиб қўлида бажариладиган иш, корхона иши). 3. он чи аз касе содир мешавад, рафтор, кирдор: ин кори ў кори хуб нест (Киши томонидан содир бўладиган воқеа). 4. хизмат, жои хизмат, вазифа; машғулият (Хизмат, хизмат жойи, вазифа, бирор нарса билан машғул бўлиш). 5. супориш ё масъалае, ки ижро ва ҳалли он ҳамчун яке аз шаклҳои санжиши дониши мактабиён ба ҳисоб гирифта мешавад: кори дипломӣ, кори санжишӣ, кори курсӣ (Топпириқ ё масаланинг бажарилишини ижро этиш ва унинг ҳал қилиш ҳолати билан боғлиқ ҳолда мактаб ўқувчиларининг билимини текшириш ҳисобга олиниши: **диплом иши**, **курс иши**)... [6:623].

Зарафшон водийси тожик тили шеваларида ўзбек тилига хос **-ли**, **-лик**, **-миш** сингари ясовчилар ёрдамида ясалган сўзларнинг, фаол ишлатилишини кўриш мумкин: **Латтия намли карда сараиба банд**, **таспаш мефурод**, **Чорвочиликба гуфта** а давлат кридет гирифтам, **Шумоя хуб кутмиш кардам** ва б.

Тожик тилидаги **-фуруш** (**сотмок**) ўзбек тилида сўз ясовчи кўшимча сифатида кенг қўлланади. Илмий манбалардан маълум бўлишича, мазкур кўшимча касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясалишида муҳим аҳамият касб этади: ... **-фуруш** суффикси ёрдамида бирор аниқ предметни сотиш билан шуғулланувчи шахс маъноси реаллашади: **тандирфуруш**, **чармфуруш**, **дўппифуруш**, **мевафуруш**, **олмафуруш**, **қатиқфуруш** ва бошқалар [4:85]. Бу икки тил талаффуз меъёрлари ва “Имло қоидалари”га хосдир.

Зарафшон водийси аҳолиси нутқида хос лексемаларни ҳосил қилишда иштирок этадиган аффикслар хусусиятлари ҳақида олиб борилган кузатишлар ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, худудга хос икки тиллилик шароитида фаол иштирок этувчи аффиксларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1.Ўзбекча нутқ таркибида қўлланидиган форс-тожикча кўшимчалар: **-дон** (*У бола жуда билимдон экан*), **-истон** (*Ватанимиз Ўзбекистон доимо тинч бўлсин*), **-зор** (*Бу ернинг ҳамма жойи гулзор экан*), **-дон** (*Хозир гулдонга гул қўйдим*), **-гар** (*Бу узугимни заргарга яساتган эдим*) ва бошқалар.

2.Тожикча нутқда ишлатиладиган ўзбекча кўшимчалар: **-ли** (*Ин кори самаралия ҳамма вақт карда истодан даркор*), **-миш** (*Вай себодӣ нагза а яшишук сарамии карда гирифт*), **-лик** (*Мардуми қишлоқи мо чорвочилик боғдорчилик кати умргузарони мекунад*), **-дош** (*Вай бачема синфдоишаш меишуд*) ва б.

3. Ҳар иккала тилга хос нутқ жараёнида бир хил ишлатиладиган кўшимчалар: **-хўр** (*Сиз сунҷурининг ўлими ҳақидаги Айнининг асарини ўқишингиз керак. Додому очем нафақахўр*), **-зор** (*Бу бозни ҳали гулзор қилишимиз керак. Баҳор омаду замино лозарошуд*), **-фуруш** (*Нонфурушлар нонни қиммат қилти. Нонфурушоба нон закас карда омадам*), **-чи** (*Эртанги тўйга икта чойхоначи айтдим. Касби бовоқалонамо махсичи буд, маннам ҳамина давом досем*) ва б.

Ўзлашма сўзларга она тилининг сўз ясовчи элементларини қўшиб янги-лексик бирликлар ҳосил қилиш ҳақида М.Абдиев шундай далиллар келтиради: “**-чи** (самоворчи-чойхоначи, машиначи-тикув машинасида тикувчи, чистачи-пахта тозалаш заводининг эгаси, саржинчи-тараша ўтинни саржинлаб сотувчи, каналчи-канал қазувчи) ва **-хон** (газетхон, журналхон), **-дош** (экспедициядош, командадош, фронтдош), **-боз** (гуруҳбоз, компаниабоз, пулемётбоз), **-фуруш** (машинафуруш, помидорфуруш), **-хўр** (пенсияхўр, винохўр) каби” [4:17-18]. Шунингдек, ишда яна бир қатор воситалар ёрдамида кўплаб янги шахс номлари ясалганлиги ишонарли мисоллар билан исботлаб берилган.

Зарафшон водийси икки тиллилик аҳолиси нутқида ҳам мазкур лексема ясовчилар бир хил шаклда ишлатилади: **носуфуриш**, (*Носуфуришларни бозорни нарги четиға кўчирди. Ҳамсодӣ носуфуришамо тўй кард*), **чиннифуруш** (*Қишлоғимизга ҳар куни чиннифурушлар келади. Дина а чиннифурушо косаю пиёла харидем*) ва б.

-шунос кўшимчаси тожик тили шеваларида **-шинос** шаклида ишлатилади: **забоншинос** (*Худораҳмати Раззоқ Фаффоров забоншиноси зўр буд. Ин одам чизшинос будай*). Ушбу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, худуд тожик тили шеваларида **“шинос”** факат кўшимча сифатида ишлатилиши билан бирга алоҳида сўз шаклида ҳам ифодаланиши кузатилди: **шинос** (**таниш**), (*Вай одам назарамба шинос намисас. Меҳмони омадаги шиноси ҳамсоя будас*). Унинг синоними сифатида **таниш** лексемаси ҳам ишлатилади: **Танишат** *набоишад ҳаракат нақун* ва б. Ўзбек тилида эса факат **-шунос** сўз ясовчи кўшимча вазифасини бажаради, холос. Бу кўшимча, **шинохтан** (**танимок**) феълнинг бир шакли ҳисобланади. Масалан, **адабиётшунос**, **тилишунос**, **тарихишунос**, **руҳишунос** каби сўзлар, тожик адабий тилида икки ўзакдан иборат кўшма сўз деб қаралса-да, ўзбек тилида содда ясама сўз ҳисобланади.

Икки тилда **ҳам**— префикси (олд кўшимчаси) от ва олмошлардан янги маънодаги сўзлар ясади ва худуд шевасида **-дош** кўшимчаси билан синонимик қатор ҳосил қилади.

Тожик адабий тили ва шеваларида **ҳамсинф**, **ҳамватан**, **ҳамқишлоқ** сўзларнинг ўрнида ўзбек тили таъсирида **синфдош** (*Вай бачема синфдоишаш меишуд*), **қишлоқдош** (*Ун кас безона не қишлоқдоиш ман*), **ватандош**

(*Ватандошомоя* мўлиш *Россияба*) каби лексемалар қўлланади. Худди шу ҳолатни ўзбекча мулоқот жараёнида ҳамқишлоқ, ҳамшаҳар, ҳамсинф шаклидаги лексемалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, икки тилда **-дош** қўшимчаси шахс оти ясовчи қўшимча сифатида қабул қилинган. Шунингдек, **“-дош”** қўшимчаси форс-тожик тилида алоҳида лексема сифатида қўлланиб: **катта, улкан; чидам бардош** каби маъноларни билдиради. Зарафшон худудидаги икки тиллилик шароитида **“бардоштан”** феълга хос лексема сифатида ишлатилади: *У шунча жабр-ситамларга бардош берди. Вай тамоми нозуқиҳои ҳаёт бардошт дода тавонист*. Аммо ҳар икки тилда кузатиладиган бошқа бир ҳолат ҳам мавжуд. **Катта** маъноси ўзбек тилида **“дош”**, тожик адабий тилида эса **“калон”** сўзи билан ифодаланади. Масалан: *Модарон дар деги калон сўмалак мепазанд. Дошқазонда момоларимиз сумалак қайнатадилар*). Шунингдек, Зарафшон водийси аҳолиси нуткида, **“дош”** қўшма лексема ва содда лексема синонимик қаторларини ҳам ҳосил қилиши кузатилади: **Бардошли//дош додан** (*Шу одамни отаси раҳмат, жуда бардошли инсон экан. Падарашба раҳмат, ҳаминқата бардош дош дод*), **дош бермади//дош надод** (*Касални оғриқда юраги дош бермади. Вай ин корба дош надод*), **бардошташ(кутариши)**, (*Чан пул гурадам бардошташба зан*), (*У шунча ғамни кўтарди, Аҳмад ҳаммасига бардош берди*) ва б.

Шунингдек, худуд шеваларида, **-дор, -каш, -соз, -хона, -паз, -боз, -сер, -парвар, -обод** каби қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган лексемалар ҳам икки тил луғат бойлигининг

фаол лексикаси таркибига киради. Улар ҳақида кейинги ишларимизда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан Бухоронинг Қорақўл туманигача бўлган катта бир ҳудудда икки халқ вакиллари Ватан равнақи йулида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишмоқда. Кундалик мулоқот жараёнида ўзаро таъсир нафақат икки тил лексикасида, балки грамматикасида ҳам ўз аксини топганлиги ҳақида қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин [7].

Худудга хос икки тиллилик бўйича олиб борилган кузатишлар нафақат тожик тили шеваларида ўзбекча ўзлашмалар, балки ўзбек тили шевалари луғавий қатламининг бойишида форс-тожикча лексемалар ва уларни ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг ўрни бекдорлиги икки тилнинг бир-бирига таъсири чексизлигидан далолат беради.

Лексикология тилшуносликнинг тез ўзгарувчан сатҳидир. Бу ҳолат мазкур водий аҳолиси нуткида мураккаблик давридан кейин тўласича акс этганлигини кўриш мумкин. Шу боис ҳам икки тилда сўзлашувчилар нуткига хос паралел ўзлашмаларни ҳамда уларнинг алоқаларни тадқиқ этиш бугунги қийин тилшунослигимиз олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хуллас, Зарафшон водийси ўзбек ва тожик тили икки тиллилик шароитида лексемаларни ҳосил қилишнинг ўзига хос системаси мавжуддир. Бу эса ўзлашма лексема ҳосил қилувчилар ёрдамида тил луғат бойлигидаги семантик ўзгаришларга сабаб бўлади ва тилдаги лексемалар миқдорини оширади ҳамда тиллараро алоқаларининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Гулямов Х. Ўзбекско-таджикские языковые связи. –Тошкент: «Фан», 1983.
2. Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. НДА. –Тошкент: 2007.
3. Хожиев А. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. –Тошкент: 2007.
4. Абдиев М. Касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясаиш асослари. –Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2015.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. –Тошкент: 2008.
6. Фарҳанги забони тожики. жилди-1. –Душанбе: 2008.
7. Зарафшон водийси дала ёзуви материаллари, 2010-2016.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Зарафшон водийси ўзбек ва тожик тилларида сўз ўзлаштирилиши ҳақида фикр юритилган. Сўз ўзлаштиришнинг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида морфологик усулнинг ҳар икки тилга хос воқеаларини материаллар асосида таҳлил этилган. Таҳлилда бадий ва сўзлашув нутки материалларидан фойдаланилган ҳамда улар тегишлича ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится о слово-изменении в системе Узбекского и таджикского языков Зарафшанской долины. Как одна из особенностей слово-изменения – морфологический метод в обеих языках анализируется на основе материалов. При анализе материалов художественная и разговорная речь использована и раскрыта как следует.

SUMMARY

The article tells about the word-changing in the Uzbek and Tajik languages of Zarafshan valley. As one of the specific peculiarities of word-changing in the two languages the morphological method is analyzed in accordance with materials. They are deeply revealed by using materials of formal, literary and conversational styles.

БАДИЙ МАТНДА ИРОНИК МАЗМУН ИФОДАЛАНИШИДА ЎЗГА ГАПЛАРНИНГ РОЛИ

Ш.И.Сиддиқова - тадқиқотчи

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бадий матн, ироник мазмун, нутқ, кўчирма гап, ўзга гап, имплицит салбий ҳолат, имтиҳон олувчи, персонаж, шахс нутқи, ҳикоя, савол, кулги.

Ключевые слова: художественный текст, ироническое содержание, речь, чужая речь, имплицитное отрицательное состояние, экзаменатор, персонаж, индивидуальная речь, рассказ, вопрос, смех.

Key words: literary text, ironical content, speech, somebody's speech, implicit negative state, examiner, personage, individual speech, a story, question, laughter.

Бадий матнларда ироник мазмуннинг юзга чиқишида ўзга гапларнинг қатнашиши мулоқотчиларнинг ўзаро муносабатларига қараб белгиланади. Мулоқотчилардан бирининг нутқ вазиятида ўзини тутиши, ҳаракатлари, одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиши, фикрлаши, нутқий фаолияти бошқа иштирокчиларни қониктирмаслиги мумкин. Бунда унинг нутқида сингил, қоришиб кетувчи ва унинг ахлоқини намойиш этувчи ички ҳолати ҳам сезилиб туради. Инсон вербал воситалар ёрдамида ўз фикрини ифода этар ёки ўзгалар фикрини қабул қилар экан, ана шу нутқий жараёнда тингловчининг ички ҳис-туйғуларини сезади. Бу ҳис-туйғулар унинг нутқида ошқора, баъзида яширин ҳолда амалга оширилади. Бу эса унинг бирор воқеа, ҳодиса, фикрга нисбатан хусусий муносабатини белгилайди. Бундай хусусий муносабатлардан бири ироник мазмун ифодалашдир. Воқеа, ҳодиса ёки у ҳақидаги фикрга бўлган хусусий муносабат баъзан очик айтилмай, яширин тарзда ифода этилади” [1]. Тилшуносликда нутқ жараёнида сўхбатдошнинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, унга нисбатан билдириладиган имплицит салбий муносабатнинг ифодаланиши ирония сифатида талқин қилинади. Ёзувчи Тоҳир Маляковнинг “Биргина ишора кифоя” ҳикоясида Бўтакул исми йигитнинг имтиҳон топшириши

тасвирланган. Унинг саводсизлиги, фикрлаш доираси торлиги, шунингдек, у ва имтиҳон олувчи кишилар ўртасидаги муносабат ўзга гаплар воситасида очиб берилган. Имтиҳон жараёни акс эттирувчи парчани қисмларга ажратган ҳолда таҳлил қиламиз:

Матнда кўчирма гап сўроқ мазмунини ифодалайди:... Бўтакул ўша ишорадан кейин имтиҳон олувчи билан юзма-юз ўтирган эди. Унга қўйиладиган баҳо аввалдан маълум бўлса-да, имтиҳон олувчи ирими учун унга савол берди: “Ньютон қонуни ҳақида нималар биласиз?”

Кейинги ўринда муаллиф гапидан персонажнинг билим даражаси, илмий савияси пастлиги маълум бўлади. Бу ўринда кўчирма гап янги нутқий вазиятни юзга келтириш учун йўналтириш, замин яратиш вазифасини бажарган: Бўтакулга Ньютон деган одамнинг номи сал таниш туюлди-ю, аммо қариндошлари ичида бу одам ким бўлиши мумкинлигини эслолмади. Шунда имтиҳон олувчи унга тўртки бўлар, деган умидда “Олма-чи, олмани эсланг” деди.

Матнда сўхбатнинг кейинги босқичида Бўтакул нутқида тегишли бўлган кўчирма гап ўткир кулгини юзга келтирган: Бўтакул шунда эслади. “Россияга олма сотиш қонунини чиқарган масковлик хўжайин”, деб жавоб берди.